


ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Беларусь Республикасига келди.

“Минск” миллий аэропортида давлатимиз раҳбарини Беларусь Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Николай Снопков ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЕОИИ: КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 26-27 июнь кунлари амалий ташриф билан Минск шаҳрида бўлади ва Олий Евросиё иқтисодий кенгашининг (ЕОИК) навбатдаги йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этади.



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар! Аввало, Янги Ўзбекистоннинг янгилаётган матбуотида, телерадиоканаллар, интернет нашрлари, нашриёт ва матбаа корхоналарида, ахборот хизматлари ва платформаларида ўз бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган сиз, ҳурматли журналистлар, мухтарам faxрийларни, барча ижодий ва техник ходимларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар бекиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз.

Шу маънода, бепоеън медиаоламда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Ушбу қутлуг айёмда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ишларга ўз истеъдоди, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларига ҳалқимиз номидан юксак ҳурмат ва эзгу тилаклар изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

Азиз дўстлар! Атоқли жадид бобомиз Ҳожи Муин айтганидек, “Матбуот тарихи — Ўйғониш даври тарихининг бир бўлагидир”.

Биз кейинги йилларда, улуг аждодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шарт ва тамойили бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шундай ёндашув туфайли медиа маконимизга илғор лойиҳа ва технологиялар, янгича мулккий муносабатлар жадал кириб келмоқда. Республикамизда фаолият кўрсатаётган 2 минг 400 га яқин оммавий ахборот воситаларининг 65 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет ресурслари тобора ортиб, улардан фойдаланувчилар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етгани, ахборот контентларини яратувчилар сафи кенгайиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, миллий медиаконтентни ривожлантириш йўлида ёш ижодкорлар, мустақил студия ва продюсерлик марказлари фаолияти қўллаб-қувватланаётгани виртуал маконда юксак сифатли, рақобатбардош лойиҳалар пайдо бўлиши учун замин яратмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий контентлар, жумладан, нашр маҳсулотлари фойда солигидан озод қилиниб, ижтимоий солиқ

1 фоиз миқдориди белгилангани, қўшилган қиймаг солигини қайтариш тартиби жорий этилгани муҳим қадам бўлди.

Ана шу ўзгаришларнинг давоми сифатида яқинда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатта ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир.

Бу ҳақда гапирганда, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганини ҳам қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани журналистика учун катта имкониятлар очиш билан бирга, бу борадаги ишларимизни замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўз касбини, она тили билан бирга хорижий тилларни, IT технологияларини пухта эгаллаган, жонқувр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди етишиб келаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Қадрли оммавий ахборот воситалари ходимлари! Мамлакатимиз журналистлари ва ижодий жамоалари томонидан билдирилган тақлифлари инобатга олиб, бу йил “Олтин қалам” миллий мукофоти биринчи марта 27 июнда — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини топишрилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун сизларнинг иштирокингизда тантанали равишда тақдирланадиган барча танлов ғолибларини ва юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизларнинг ҳар бирингиз келгусида ўз тажриба ва маҳорат мактабингизни яратиб, миллий журналистикани раванқига янада катта ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Донио сог-омон бўлинг, масъулиятли ва шарафли меҳнатингиздан барака топинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик тамойилини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонини миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан

Дониёров Салим Мусурмонович — “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти бош муҳаррири

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович — “Жадид” газетаси бош муҳаррири

“Дўстлик” ордени билан

Амангелдиева Раихан Қдирбаевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Нукус телерадиомаркази филиали тасвир ёзиш гуруҳи катта электр механиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Кенжаева Зоҳида Абдуллаевна — Тўрақўрғон тумани “Давр” газетаси муҳаррири, Наманган вилояти
Матякубов Камол — “Адолат” газетаси муҳбири
Миршарипов Фарходжон Арислонович — Фарғона вилояти телерадиоканали бош муҳаррирининг ўринбосари, Сўх телеканали гуруҳ раҳбари

Давоми 2-бетда

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАР — ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ ҲАЛҚАСИ

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда кейинги саккиз йилда маҳаллий кенгашларга эътибор мутлақо ўзгарди. Ҳалқимиз бу эътиборни кенгашларнинг конституциявий-ҳуқуқий, ташкилий-институционал макому ўзгарганидан яққол билади. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатлари, маҳаллий кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-бирдан ажратилди, ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ҳам белгиланишига эришилди.

Кенгашларнинг ваколати ва масъулияти олти баробар кўпайди, уларда доимий ишлайдиган котибиятлар ташкил қилинди, Сенатда ҳудудий вакиллик органларига қўмаклашиш маркази тузилди, қонунчиликка янги институтлар — “Кенгаш сўрови”, “Кенгаш текшируви” кириб келди. Бугун маҳаллий ҳокимликлар ҳудуддаги муҳим лойиҳаларни кенгашлар билан маслаҳатлашиб амалга оширмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги тегишли фармонига асосан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш, халқнинг бевоқифлиги асосида қарор қабул қилиш талаб этиладиган ўттиздан ортиқ ваколат маҳаллий кенгашларга ўтказилди.

Давоми 4-бетда

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ОЛТИН КЎПРИК

Ҳар йили 27 июнда нишонланадиган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини тақвимдаги шунчаки сана эмас, балки мамлакатимиз ҳаётида сўз эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари мустаҳкамланиб бораётганини акс эттирувчи муҳим воқеадир. Ушбу сана юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар ўзагини ташкил этувчи демократик тамойилларнинг қай даражада чуқур илдиз отганини кўрсатиб беради.



Янги Ўзбекистоннинг пойдевори айнан очиқлик, шаффофлик ва халқ билан мулоқотга асослангани бонс, ОАВга қаратилган юксак эътибор ва журналистлар учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар бу жараённинг ажралмас қисми,

десақ тўғри бўлади. Сабаби ОАВ вакиллари жамият ва давлат ўртасида олтин кўприк вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари журналистларга қарата “Халққа адолатни етказишдан кўрқманглар, ортингизда Президент

бор”, дея баралла таъкидлаган. Бу таъкид халқ манфаатлари йўлида жонини жабборга беришга тайёр журналистлар учун туғ қабиридир.

Давоми 3-бетда



2025 йил 27 июнь, 130-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Орипов Шухратжон Орип ўғли — “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкнинг ахборот хизмати раҳбари
Рахимов Абдижаппол Абдизиятович — Чиноз тумани “Чиноз ҳаёти” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент вилояти
Титчук Андрей Георгиевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va ma’rifat” телеканали телеоператорлар гуруҳи телеоператори
Хасанов Хайдар Хатамжанович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси директори ўринбосари
Хасанов Рўзимбой — “XXI аср” газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича мухбири

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Нурматов Акбар Норматович — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ЮНЕСКО ва ихтисослашган медиа кафедраси mudiri
Холбекова Бахор Шайимовна — “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири

“Соғлом турмуш” медали билан

Джумаев Ибраҳим — Навоий вилояти “Саломатлик” газетаси муҳаррири

“Келажак бунёдкори” медали билан

Ғиёсов Мирали Абдуллоҳ ўғли — Тошкент шаҳридаги “Sharoit plus” нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳа менежери

“Шухрат” медали билан

Абилов Фазлиддин Ибрагимович — “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти бош муҳаррирининг ўринбосари
Авазов Дилмурод Батирович — “O‘riat Dono” радиоси мусиқа муҳаррири
Адилова Муножот Асроровна — “Daryo.uz” интернет нашрининг таҳрир бўлими мусахҳиҳи
Асанов Элдар Энверович — “Asanov formati” телеграм канали асосчиси, блогер
Ахатов Собит Темирович — “Xabar.uz” интернет нашрининг ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўлими муҳаррири

Гапирова Нигора Умурзаковна — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи муқоваловчиси
Джумаев Хидоят Иноятovich — Бухоро вилояти телерадиоканалининг ижодий ишлаб чиқариш гуруҳи телеоператори
Каршиев Азиз Ражабович — “Kun.uz” интернет нашри муҳаррири
Коробоев Шамшидин — Фарғона вилояти оммавий ахборот воситалари фахрийлар кенгаши фаоли, фотосуратчи
Мадагтова Зилола Мухамадалиевна — “Маърифат” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари
Макаренко Никита Анатольевич — Ижтимоий тармоқлардаги “Effekt Makarenko” саҳифаси асосчиси, блогер
Маматрайимов Холмулин Норқобилевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Сурхондарё вилояти бўйича шарҳловчиси

Муминова Гулрух Комиловна — Самарқанд вилояти “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари таҳририяти махсус мухбири

Муслимов Шухрат Зикруллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston MTRK teleradiomarkazi” давлат муассасаси телевидение ва радио кўчма техника хизмати бошлиғи

Нур Аҳмад Ҳожибой ўғли — Тошкент шаҳридаги “SAS-Media” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Раббимов Камолитдин Мухиддинович — “Kamoliddin Rabbimov” телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер

Рахимов Сарваржон Хамиджонович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси сиёсий шарҳловчиси

Рашидова Нарғизахон Рашидовна — “Менинг юртим” телеканали эфирга узатиш бўлими муҳаррири

Сакаева Элина Ибрагимовна — “Gazeta.uz” интернет нашри муҳаррири

Саматова Салима Абдиназаровна — Касби тумани ахборот-кутубхона марказининг абонемент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси, Қашқадарё вилояти

Хамидов Хайрулла Убайдуллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” ижодий бирлашмаси шарҳловчиси

Шерова Лазиза Шомилловна — “Ўзбекистон овози” газетасининг парламент фаолияти бўлими mudiri
Якубонова Нилуфар Ойбековна — Андижон вилояти телерадиоканалининг радио гуруҳи катта муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 июнь

ОРЗУЛАР УШАЛИБ, ҚАЛБ ҚУВОНЧГА ТЎЛГАН КУН



Инсон қадри учун

Қийналган дамларда суяянчиқ бўлиш, меҳр бериб ёрдам кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Кейинги йилларда бундай қадриятлар янада улуғланиб, ҳаётимизда муҳим ўрин тутиб бормоқда. Масалан, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига амалий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш ишлари маҳалла даражасига туширилди. Мазкур янгиланиш эса аҳоли оғирини енгил, узоғини яқин қилишда қўл келмоқда.

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги “Дашт чўпон” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузуaronлик қилаётган Ёсинжон Ёқубов бир неча йилдирки, оғир хасталик билан курашади. У мустақил ҳаракатлана олмайди. Шу боис, тахта полга ташланган тўшагини, кийимларини алмаштириш, овқатланиш ва бошқа кундалик эҳтиёжларини бажаришда қийналганди. Унинг учун оила аъзоларининг барчаси овора бўларди. Маҳалладаги ижтимоий ходим оиладаги ҳолатдан хабардор бўлгач, бемор учун функционал каравот ажратиб, кўмаклашди. У тизимга электрон ариза киритди ва функционал каравот фуқарога етказиб берилди. Натижада оиланинг оғирни енгил бўлди, Ёсинжоннинг чеҳрасига кулгу инди.

— Барака топишсин, — дейди оила бекаси Муҳтарома опа қўч ёшларини яшира олмай. — Ичимдан ўтганини ўзим билан. Тўққиз йилдан буён шу хасталик билан курашамиз. Бизга ҳар томонлама амалий ёрдам беришяпти. Замонавий функционал каравот ҳар жиҳатдан қулай. Йиллар давомида тўшаққа мияланган турмуш ўроғимга ортиқча қийинчиликларсиз ёрдам кўрсата оладиган бўлдим. Бизга мана шундай қулайликлар яратиб берганларга катта раҳмат.

Оилага ижтимоий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш шу билан тўхтатиб

соғлиғимда ўзгаришлар юз беряпти, ҳаётга қизиқишим ортди, умримга умр қўшилди.

Камбағал, ишсиз, жисмоний имконияти чекланганларга ёрдам ва хизматлар кўрсатиш, муҳтож аҳоли қатламини аниқлаш борасидаги ишлар кўлами кенгайди. Илгари ижтимоий хизмат маҳалла даражасида тўлиқ қамраб олинмаган, фақат кекса ёшдаги фуқароларга хизмат кўрсатилар эди. Энди бевоСИта маҳаллаларда ижтимоий хизматлар йўлга қўйилди. Бу эса нафақат соҳани янгиллади, балки минглаб инсонлар тақдирини ҳам ижобий томонга тубдан ўзгартирди.

Фарғона вилоятида ногиронлиги бўлган 93 минг 356 шахс ва ўзгалар парварлишига муҳтож қарийб 2100 ёлғиз кексага “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва ижтимоий ходимлар томонидан манзилли ёрдамлар кўрсатилаяпти. Жорий йилнинг май ойига қадар ногиронлиги бўлган ҳамда эҳтиёжманд 5032 киши протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация техник воситалари билан таъминланган.

— Бу борадаги имконият кўлами кенгайиб бормоқда, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси бош мутахассиси Санжарбек Абдужаббаров. — Ававал давлат томонидан таъминланиши кафолатланган ПОМ ва РТВ сони 30 та эди. Ҳозир 38 тага етказилди. Айтиш мумкинки, бундай ижобий ўзгариш кўпдан буён тўшаққа мияланиб қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга янги имкониятлар туғдирмоқда.

Сирасини айтганда, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар меҳр, эътиборга муштоқ кишилар, ногирон, якка-ёлғизлар қалбига қувонч, умид олиб кирапти. Уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлапти.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

СИЁСАТ



yuz.uz_news



yuz.uz

ЎЗБЕКИСТОН – ЕОИИ: КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМЛАР

Бошланиши 1-бетда

Евроосиё иқтисодий иттифоқи Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон негизида тузилган халқаро интеграцион иқтисодий бирлашмалар. Иттифок 2014 йил 29 майда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Беларусь, Қозоғистон ва Россия давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартнома кучга кирганидан сўнг 2015 йил 1 январдан иш бошлади. 2015 йилда Арманистон ва Қирғизистон шартномага қўшилди.

Ўзбекистон 2020 йилда ЕОИИда кузатувчи давлат мақомини олган. Бирлашма низомига кўра, кузатувчи мақомига эга давлатлар ЕОИИ органлари йиғилишларида қарор қабул қилиш ҳуқуқсиз иштирок этиши, шунингдек, Евроосиё иқтисодий комиссиясига мамлакат вакилини тайинлаши мумкин.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини ушбу форматда ривожлантириш миллий манфаатларга жавоб беради ва тенг ҳуқуқлилик, шунингдек, иштирокчи давлатлар томонидан бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш таъминларига асосланади.

Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз кузатувчи мақомини олганидан буён мазкур бирлашма Олий Кенгашининг еттига йиғилишида қатнашди.

Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 26 декабрь кuni Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи мақомиди иштирок этди ва муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз сўзининг аввалида сўнгги йилларда мамлакатимиз кузатувчи



ЕОИИ халқаро ташкилотлар ва институтлар билан ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСД), Жаҳон божхона ташкилоти (WCO), Халқаро миграция ташкилоти (МОМ) ва бошқалар билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Шунингдек, мазкур иттифокқа аъзо давлатларнинг асосий қисми Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га ҳам аъзо.

сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан 22 та йўналишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйганини таъкидлади. Қайд этилганидек, 2024 йилда Ўзбекистоннинг иттифок мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 11 фоиз ошди. Октябрь ойида Евроосиё иқтисодий комиссияси билан савдо, саноат, молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 га яқин чора-тадбирни ўз ичига олган янги уч йиллик ҳамкорлик режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон ЕОИИнинг савдо ва юк ташини рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги қатор тармоқ дастурларида фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишларида алоҳида тўхтади.

Хусусан, мамлакатимиз етакчиси ўзаро савдодаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этишга чақирди. Шу нуқтани



назардан, Ўзбекистон ва ЕОИИ давлатлари ўртасидаги савдода тариф ва нотариф чекловларни қўлламаслик масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқиш таклиф этилди. Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ва воситаларига қўшилишдан манфаатдорлик билдирилди.

— Қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун ишончли молиявий манбаларни шакллантириш мақсадида келгуси йил бошида тартиб-таомилларни яқунлаб, Евроосиё тараққиёт банкига аъзо бўлишни режалаштирмоқдамиз, — деган эди Ўзбекистон етакчиси.

Жумладан, жорий йилнинг 9 апрель кuni давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё тараққиёт банкни таъсис этиш ҳақидаги битимга (Остона, 2006 йил 12 январь) қўшилиши тўғрисида”ги қонунни имзолади.

Битимнинг асосий мақсади инвестиция фаолияти орқали унга қўшилган иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ўсишига ва улар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қўмаклашишдир. Шунингдек, банк фаолияти доирасида тўлиқ ва самарали иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади. Бундан ташқари, банкка аъзо давлатларнинг иқтисодий ўсишига қўмаклашиш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва инвестиция фаолияти орқали Евроосиё ҳудудида интеграция жараёнини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ЕОИИ доирасида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди. Мамлакатимизни ЕОИИнинг интеграция-

барлари томонидан ҳам яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Бош вазир бошчилигида ЕОИИ мамлакатлари ва Евроосиё иқтисодий комиссияси билан ҳамкорлик бўйича идораларо ишчи гуруҳи тузилган. Ишчи гуруҳ ЕОИИ билан ўзаро ҳамкорлиқни мувофиқлаштиради, иқтисодий алоқаларни таҳлил қилади ва ҳамкорлиқни чуқурлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

2024 йил 1 октябрда Ўзбекистон ҳукумати ва Евроосиё иқтисодий комиссияси ўртасида 2024-2026 йилларга мўлжалланган қўшма ҳаракатлар режаси имзоланди.

ЕОИИ платформасида кузатувчи давлат сифатида иштироки орқали Ўзбекистон муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда, тузилмага аъзо барча давлат билан фаол ҳамкорлик қилапти, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантирмоқда. Ўшар омилар эса барқарор ўсиш суръатини кўрсатаётди.

Ҳозир ЕОИИ томонидан хорижий шериклар билан ҳамкорлик алоқалари Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) нормалари ва таъминларига мувофиқ тарзда ўрнатилган.

ЕОИИ халқаро ташкилотлар ва институтлар билан ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСД), Жаҳон божхона ташкилоти (WCO), Халқаро миграция ташкилоти (МОМ) ва бошқалар билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Шунингдек, мазкур иттифокқа аъзо давлатларнинг асосий қисми Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га ҳам аъзо.

Ушбу омилар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон томони кузатувчи давлат сифатида ЕОИИнинг тўртта пилот лойиҳасида иштирок этмоқда. Хусусан, Темир йўлда юк ташини рақамлаштириш лойиҳаси ЕОИИ давлатлари ва Хитой ўртасида темир йўл юк ташини рақамлаштириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутди.

Ушбу режа босқичма-босқич ўтишни назарда тутди ва электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат айланиши ва электрон жўнатма ҳамда унга қўшилган ҳужжатларни алмашиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ўзбекистон ваколатли органлари вакиллари 2022 йил июнь ва 2023 йил январда ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича учрашуларда иштирок этди. Унда мамлакатлар ўртасида транспорт ва божхона ҳужжатларини электрон алмашишни босқичма-босқич амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг мазкур лойиҳадаги иштироки техник ва ҳуқуқий шароитлар яратилишини назарда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистон ЕОИИ доирасида амалга ошириш босқичида бўлган Трансчеғаравий (ташқи) электрон тижорат, Иқлим кун тартиби, “Евроосиё агроэкспресс” лойиҳаларининг томонлар учун самарадорлигини таҳлил қилмоқда.

Мамлакатимизнинг мазкур интеграцион уюшмада кузатувчи давлат мақомиди бўлиши республикада ривожланиётган илмий ва технология инқилоблар, халқаро савдо, капиталнинг кўчиб юриши, замонавий транспорт, алоқа ва ахборот тизимлари иқтисодий ҳаётнинг ҳалқаролашуви жараёнининг глобал шаклланган даражага ўтишига ёрдам бермоқда.

Юртимизнинг экспорт салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ЕОИИ мамлакатлари билан савдо айланмасини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро интеграциялашув ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, янги технологияларнинг кенг ва жадал тарқалиши, инфратузилмаларнинг ривожланиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар, фондлар ролининг янада ошиши, савдо ва бозорларнинг эркинлашуви ва бошқа ютуқларга эришилишига хизмат қилапти.

Ўзбекистон Президентининг Минск шаҳрида бўлиб ўтадиган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштироки ЕОИИ мамлакатлари ўртасида инвестиция, савдо-иқтисодий ва транспорт-логистика соҳаларида яқин ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга янги суръат бағишлайди ҳамда минтақа халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Дунё” АА



27 июнь —

Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари кuni

ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ОЛТИН КЎПРИК



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиш 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг сўзлари кейинги йиллардаги ислохотлар, журналистика соҳаси ривожини учун қилинган амалий ишлар, очиқлик, ошкоралик, сўз эркинлигини кучайтирадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишида ўз исботини топди. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг XV боби оммавий ахборот воситаларига бағишланди. Илгари цензурага йўл қўйилмаслиги Бош қонуннинг биргина моддасида акс этганди, холос. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 81-82-моддаларида цензурага йўл қўйилмаслиги, ОАВ фаолиятига тўсқинлик қилиши ва аралашуш жавобгарлика сабаб бўлиши қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, ўтган йилларда “Оммавий аборот воситалари тўғрисида”ги қонунга қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилди. “Реклама тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Бу ҳужжатлар журналистлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, эркин фаолият юритиши учун замин ҳозирламоқда. ОАВнинг чинакам “тўртинчи ҳокимият” мақомига кўтарилиши соҳанинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири ортисидаги хизмат қилмоқда.

Самарали бошқарув тизими халқ билан доимий мулоқотда бўлиши, аҳолининг фикр-мулоҳазалари, эҳтиёж ва муаммоларини ҳисобга олиши шарт. Холис ва ҳаққоний ахборот тақдим этиш орқали бу мулоқот янада мустаҳкамланади, ишонч муҳити вужудга келади. Ушбу ёндашув демократик қадриятларни чуқурлаштириш, давлат идораларининг масъулиятини ошириш ва ҳар бир фуқаронинг мамлакат ҳаётидаги иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли стратегия асосидир.

Президентимиз ўтган йили ОАВ ходимларига йўллаган табригида **бутун матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бораётганини таъкидлаган эди.** Мутахассислар қайд этаятганидек, бутунги глобаллашув ва ахборот асрида давлатлар ўртасидаги ҳалқаро майдонда етакчилик учун кураш, геосиёсий, геоиқтисодий манфаатлар йўлида босим ўтказиш, мамлакатлар орасида лидерликка интилиш йўлидаги кескин рақобат ахборот майдонига кўчган. Глобал интернет тармоғида ҳар қадамда ахборот хуружлари, “оммавий маданият”нинг зарарли тушуналиши билан тўйинтирилган маълумотлар сизиб юрибди. Айни шундай вазиятда халқнинг, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини, илми ва тафаккурини оширадиган, қалбига ватанпарварлик, миллий гурур, миллатнинг қадимий, ўзармас қадриятларини сингдирадиган миллий контентларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам юқори. Айниқса, болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масаласи ҳаммани ўйлантираётганини давлатимиз раҳбари бот-бот тақдорлайди. Албатта, бу йўлда журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Янгидан янги ахборот сайтлари, телеканаллар, ижтимоий тармоқларда сифатли саҳифалар сонини ошириш зарур. Бунинг учун мамлакатимизда етарли имконият, шарт-шароит яратилган.

Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисмидир. Ҳар қандай жамиятда тўғри ва ҳаққоний ахборотга эркинлик яратиш, дезинформация ва ёлгон маълумотларга қарши курашиш давлат

нинг энг муҳим вазифаларидан. Айниқса, ахборот хуружи кўпайган, ташқи ахборот таъсири тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситалари нафақат янгиликларни ёритувчи, балки жамиятдаги муаммоларни кўтарувчи, долзарб масалаларни кун тартибига олиб чиқувчи ва кенг жамоатчиликни таҳлилга чорловчи қудратли минбарга айланиши зарур. Шу боис, Президентимизнинг бу борадаги қатъий позицияси мамлакатимизни ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тўғри ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган фундаментал қадамдир. Айни қараш Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот маконида ўз ўрнини мустаҳкамлаши, миллий манфаатларини ҳимоя қилиши ва халқаро миқёсда янада очиқ, шаффоф давлат имижини шакллантириши учун замин яратди. **Ахборотнинг стратегик аҳамияти ҳудди мудофаа тизими каби миллий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги билан изоҳланади.** Жамиятнинг соғлом ахборот муҳити яратиш, ёш авлоднинг турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишда ОАВнинг ўрни бекиёс. У фуқароларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва миллий гурурини мустаҳкамлашда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ахборотнинг эркин ҳаракати жамиятда турли фикрлар



хилма-хиллигини шакллантиришга ёрдам беради. Бу эса демократик ривожланишнинг шартларида биридир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш борасида катта ишлар қилинди. Илгари ёпиқ бўлган кўп-лаб мавзулар бутун очиқ муҳокама қилинмоқда. Бу жараён, биринчидан, давлат ва жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида шаффофлиқни таъминлайди. Иккинчидан, узоқ йиллар давомида тўппаниб қолган муаммоларни юзага чиқариш ва уларга ечим топиш имконини беради. Журналист ва блогерлар давлат органлари фаолиятини асосли танқид қилиш, коррупцияга қарши курашиш, ижтимоий адолатсизлик ҳолатларини фойш этишда тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётди. Бу эса, ўз навбатида, давлат идоралари масъулиятини ошириб, фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишда катта роль ўйнади. Мазкур жараён замирида давлат идоралари фаолиятидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, аҳолининг давлатга ишончини мустаҳкамлаш ва ҳақиқий халқпарвар давлат барпо этиш мақсади ётади.

Журналистларнинг танқидий таҳлил қилиш имконияти давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва охир-оқибатда фуқаролар манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади. **Танқид ва конструктив муҳокама ҳақида йўқ жойда ривожланиш ҳам бўлмайди. Шу боис, ОАВнинг эркин ва мустақил фаолият юритиши ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти гаровидир.** Бу эса жамиятда соғлом фикр алмашинуви,


инновацион ғояларнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий мулоқот ривожланишини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари муаммоларни ёритибгина қолмай, ҳал қилиш бўйича ечимлар таклиф қилишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

ОАВга қаратилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятлар негизда, аввало, халқ билан мулоқот қилиш, одамларнинг дарду ташвишларини эшитиш, муаммоларини ҳал этишга интилиш ётади. Журналистлар халқнинг кўзи, қулоғи ва тилидир. Жараён икки томонлама аҳамиятга эга: бир томондан, ОАВ давлат сиёсатининг аҳолига етиб боришини таъминласа, иккинчи томондан, аҳолининг муаммолари ва тақлифларини давлат идораларига етказди. Бу эса вертикал ва горизонтал алоқаларни мустаҳкамлаб, самарали бошқарув тизимини шакллантиришга ёрдам беради. Бугун қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларда очиқлик ҳамда шаффофлик таъминлайди устувор аҳамият касб этаётгани ҳам ОАВ фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган стратегик йўналишнинг яққол далилидир.

Фуқаролик жамияти ривожланиши бевосита ОАВнинг мустақиллиги ва фаолиги билан боғлиқ. ОАВ жамиятда турли



фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, ижтимоий лойиҳаларни тарғиб қилади ва аҳолини фаол фуқаролик позициясини эгаллашга ундайди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий назоратни кучайтиради ва



давлат хизматчиларининг ўз вазифасига масъулият билан ёндашишини таъминлайди.

Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар, хусусан, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш каби жараёнларда ОАВ



нинг роли бекиёс. Журналистлар нафақат ушбу ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказди, балки уларнинг самарадорлигини таҳлил қилади, юзага келаётган тўсиқлар ва муаммоларни кўрсатиб беради. Бу эса ислохотларнинг аҳоли томонидан тўғри тушунилиши ва қўллаб-қувватланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. ОАВ орқали иқтисодий ислохотларнинг аҳоли ҳаётига таъсири, янги иш ўринлари очилиши, инвестиция жалб қилиниши, экспорт салоҳияти ошиши, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, саноатнинг ривожланиши каби масалалар кенг ёритилади. Ушбу жараён жамиятда ўзгаришларга ишончини мустаҳкамлайди ва аҳолининг фаоллигини оширади. Шу билан бирга, ОАВ аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқаролик позициясини шакллантириш ва фаол фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим иштирокчидир. Чунки журналистлар ҳуқуқий билимлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ҳақида маълумот бериш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиради.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва улардан фойдаланиши демократик жамиятнинг муҳим белгисидир. ОАВ бу борада маърифатпарварлик вазифасини ҳам бажаради. Жамиятда ҳуқуқий онгни шакллантиради ва қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшади. Соғлиқни сақлаш, таълим каби ижтимоий соҳалардаги янгиликлар, жумладан, янги шифохоналар,

бўлса, иккинчи томондан, ахборот гигиенаси ва медиасаводхонлик масалаларининг долзарблигини янада оширди. Турли манбалардан келаётган ахборот оқими туфайли ёлгон хабарлар ва дезинформациядан ҳимояланиш учун жамоатчиликда танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш зарур. Ишончли манбалар орқали тарқатилаётган расмий ахборотлар, таҳлилий мақолалар ва экспертлар фикрлари жамоатчиликнинг тўғри хулоса чиқариши муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ҳар бир фуқарога ахборотни таҳлил қилиш, ҳақиқатни ёлгондан ажрата олиш кўникмаларини шакллантириш муҳимлигини кўрсатмоқда. Медиадаги ахборот орасидан ўзига керакли ва ишончли манбаларни топа олиш қобилияти замонавий жамият аъзосининг муҳим хусусиятларидан. Медиадан фойдаланиш маданиятини ошириш ва ахборот саводхонлигини ривожлантириш — жамиятнинг ахборот асрида ўзини ишончли ҳис қилиши учун муҳим омил. Бу борада таълим тизимида ҳам тегишли дастурлар жорий этилиши, ёшларга интернетдан самарали ва хавфсиз фойдаланиш кўникмалари ўргатилиши лозим. Шунингдек, ОАВнинг ўзи ҳам ахборотнинг ишончлилигини таъминлашга катта масъулият билан ёндашиши, шубҳали маълумотларни тарқатишдан тийилиши шарт.

Мамлакатимизда сўз эркинлигига оид имкониятлар оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди. Бу масъулият, биринчи навбатда, халқ манфаати йўлида холис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш, жамиятда тўғри мулоқот маданиятини шакллантириш, турли фикр ва қарашларни ҳурмат қилиш, энг муҳими, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшишдан иборат. Ахборот майдонидаги глобаллашув шароитида ОАВ ходимлари зиммасига тушадиган жавобгарлик янада ортади. Журналистлар нафақат маҳаллий, балки глобал ахборот оқимини ҳам таҳлил қилиб, миллий манфаатларимизга мос келадиган хулосаларни шакллантириши лозим. Шу боис, уларнинг профессионал маҳоратини ошириш, ахборотни чуқур таҳлил қилиш, воқеа-ҳодисаларни ҳар томонлама ёритиш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ўтган йили ОАВ ходимларига йўллаган табригида кўп қиррали профессионал билим ва малакага, юксак маънавий-интеллектуал ғазилатларга эга замонавий журналист кадрлар тайёрлаш бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади, дея таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, халқаро тажриба алмашини, хорижий ОАВ билан ҳамкорлик қилиш ва илгор технологиялардан фойдаланиш журналистларнинг фаолиятини янада кенгайтиради. Ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тажриба алмашини дастурлари журналистларнинг билим ва кўникмаларини оширишга, янги журналистик жанрлар ва йўналишларни ўзлаштиришга ёрдам бера-

ди. Жумладан, маълумотларга асосланган журналистика (data journalism) каби йўналишларни ривожлантириш жамиятдаги муаммоларни чуқур ўрганиш ва уларга тизимий ечим топиш имконини беради. ОАВ ходимлари орасида ахлоқий нормаларга риоя қилиш, ахборотни текшириб тарқатиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини ҳурмат қилиш каби тамойилларга қатъий амал қилиш муҳим.

ОАВ ходимларининг эркин фаолият юритиши учун барча шароит яратилиши, ҳақ-ҳуқуқлари қонуний ҳимоя қилиниши давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қатъий сиёсати туфайли журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилишга уринишлар кескин таъқиқланмоқда. Бу эса сўз эркинлиги кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юртимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини нишонлаш шунчаки расмий тадбир эмас, балки сўз эркинлиги тамойилларига содиқлик, очиқлик ва ошкоралик сари қўйилган дадил қадамлар эътирофидир. Бу ОАВнинг чинакам “тўртинчи ҳокимият” сифатида эътироф этилиши, журналистларга катта ишонч билдирилиши ва мамлакатни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишда уларнинг ўрнини бекиёс эканининг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон демократик ривожланиш йўлида ОАВни асосий таянчларидан бири сифатида кўради ва у орқали жамиятнинг янада демократлаштириш, ҳар бир фуқаронинг эркин фикр билдириш ва ахборот олиш ҳуқуқини тўлақонли таъминлашга интилади. Бу эса мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўзини ўзгаришларнинг бир қисми сифатида ҳис этиши, давлатнинг фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиши ва жамиятдаги муаммоларга биргаликда ечим топишга интилишини англа-тади.

Келгусида ҳам ОАВнинг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланиб, демократик ўзгаришларнинг илгор драйверига айланишига шубҳа йўқ. Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши, аҳолининг фаровонлигини ошириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрўсини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси бекиёс бўлиб қолаверади. Журналистларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир чиқиши жамиятда ижобий ўзгаришларга туртки бўлиши, одамларни эзгу мақсадлар сари бирлаштириши ва мамлакатимизнинг ёрқин келажакини куришга хизмат қилиши лозим. Бу йўлда давлат томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратилиб, ОАВнинг мустақиллиги ва эркинлиги қонуний ҳимоя қилиниши давом эттирилиши айна мудида.

Зеро, фақат эркин ва мустақил матбуотгина чинакам демократик жамиятнинг кўзгуси бўла олади, унинг нафас олишига имкон беради ва жамиятнинг соғлом ривожланишига замин яратди.

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАР — ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ ҲАЛҚАСИ

Бошланиши 1-бетда

Янги тахрирдаги Конституцияда маҳаллий кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бири-биридан ажратилиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб, “Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойилини рўйга чиқариш мақсадида шу йил 23 июнь Републи Президентимизнинг “Ўзбекистон Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Ушбу фармонни қабул қилишдан қатор асосий мақсадлар кўзланган. Жумладан, **жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш**, фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид **демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлаш**, шунингдек, ижро ҳокимияти органларининг маҳаллий **ҳалқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлигини ошириш**дир.

Фармонда 7 та устувор йўналиш асосида маҳаллий Кенгашларни ривожлантиришга оид 53 та чора-тадбирдан иборат “Йўл харитаси”ни 2030 йилга қадар амалга ошириш режалаштирилган.

Аҳоли муаммоларини ҳал қилишда молиявий-иқтисодий имкониятлар

Маҳаллий кенгаш депутатлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровларга кўра, аҳоли кўтарётган ақсарият масалалар (ички йўллар таъмири, коммунал соҳадаги муаммолар, канализация, ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилма таъмири кабилар) ечими молиявий маблагга бориқ тақалмоқда.

Маҳаллий бюджетни қабул қилса-да, депутатларнинг ўз округидаги муаммоларни бюджет орқали ҳал қилиш имконияти етарли эмас эди. Базви тадбиркор депутатлар аҳоли муаммоларини ўз маблагга ҳисобидан ҳал қилиб бериши мумкин. Бунинг кўрган бошқа фуқаролар ўзларининг депутатларидан “Сиз ҳам бизга муаммони ҳал қилиб бering, ана наргини маҳалладан сайланган депутат қилипти-ку”, дея талаб қилиш ҳолатлари ҳам учраётганди. Айрим ҳолларда депутатлар муаммоларини ҳал қила олмасликлари сабабли сайловчилар қабулига бора олмагани ҳам бор гап.

Фармон билан тасдиқланган концепцияни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”га мувофиқ, келгусида ҳалқ вакилларининг бундай ҳолатга тушмаслиги, уларнинг обури-сини ва аҳоли муаммоларини ҳал қилишдаги имкониятини ошириш мақсадида ҳужжатда маҳаллий бюджетлар лойиҳасини шакллантиришда ҳудудлар тоифасидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджет харажатларининг 3-5 фоизини **бевосита маҳаллий кенгаш депутатларининг ташаббуси асосида шакллантириш, Сенат билан ҳамкорликда “Сайловчи — депутат — ҳоким — кенгаш” тўрт бўғинли ўзаро ҳамкорлик тизимини** йўлга қўйиш белгиланди.

Бунда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда “маҳалла еттилик” ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларининг иштирокини таъминлаш тартиб-таомилларини белгилаш, ҳудудни **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция дастурлари лойиҳаларини дастлаб маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиш**, уларда белгиланган ҳар бир вазифанинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан самарали депутатлик назоратини йўлга қўйиш назарда тутилган.



Сакинахон САИДҒОЗИЕВА,
Халқ депутатлари Тошкент
шаҳри кенгаши депутати

Маъмурий, бюджет ва фискал номарказлаштириш асосида ҳудудларнинг маъмурий ва молиявий мустақиллигини янада ошириш орқали улар ташаббускорлигини кучайтириш, бунда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига айрим турдаги давлат божлари, мажбурий йиғимлар, тўловлар, жарима ва ажратмаларни йўналтириш масаласини кўриб чиқиш вазифалари ҳам қайд қилинган.

Яна бир муҳим жиҳат бу — депутатларнинг маҳаллий кенгашлар сессиялари доимий комиссиялари мажлисларига келиб-кетилиш масаласи. Агар 2017 йилгача маҳаллий кенгашлар йилда 4 марта йиғилиш ўтказган бўлса, ҳозир бир ойда 2 мартадан сессия ўтказишга тўғри келмоқда. Бу эса депутат учун бир ойда 4 марта вилоят, туман марказига келиб-кетилиш заруратини тугдиради. Тошкент шаҳрида балки билинмас, лекин вилоятларда 100-300 километрлаб масофани босиб ўтишга тўғри келяпти.

Энди бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун **маҳаллий кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий қаролатларини янада кучайтириш**, уларнинг ўз сайланган вилоят, туман ва шаҳарлари доирасида депутатлик вазифаларини бажариши учун “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатларининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасини (депутатнинг транспортда текин юриш ҳуқуқи) амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Ташкилотлар раҳбарларининг ўз ходими бўлган депутатларнинг маҳаллий кенгаш сессияси, доимий комиссиялари, партия гуруҳлари мажлисларида иштирок этиши, сайловчилари билан учрашувлар ўтказиши, фуқаролар қабулини ўтказишга **тўққизлик қилмаслиги** мустаҳкамланди.

Маҳаллий масъулларнинг жавобгарлик чоралари

Ҳудуддаги деярли барча органнинг кенгашлар олдида ҳисобдорлиги белгиланган бўлса-да, халқ депутатлари ушбу органлар ишидан қониқиб қолмас, уларга қандай чора қўллаши масаласи очик қолган эди. Бу эса айрим мансабдор шахсларнинг

кенгашлар олдидаги масъулияти сусайишига сабаб бўлаётганди. Масалан, ҳисобот бериш учун халқ вакиллари олдида шахсан ўзи келмай, балки ўринбосарлари, гоҳида эса бош мутахассисларини юбориш ҳолати учраётган, депутатлар тавсия қилган масалаларни ҳисобга олмаслик, айрим ҳолларда эса депутатлик сўровларига жавоб бермаслик ҳолати кузатилаётган эди.

Келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фармонда маҳаллий кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланган, тайинланган, кенгашга ҳисобдор бўлган мансабдор шахсларнинг маҳаллий кенгашлар олдидаги жавобгарлигини белгилаш вазифаси қўйилди. Бунда **ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахсларига нисбатан эгаллаб турган лавозимига нолойқлиги**, интизомий жавобгарликка тортиш бўйича юқори турувчи органга тақдимнома киритиш каби чораларни белгилаш назарда тутилган.

Шу мақсадда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси фаолияти ва ваколатларини кенгайтириш чоралари кўрилади. Бунда ушбу комиссияга **кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланган, тайинланган, лавозимга тайинланишида кенгаш розилиги олинмаган мансабдор шахсларнинг** ҳам одоб-ахлоқ нормаларини бузганлиги бўйича ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ҳоким ўринбосарларининг кенгашлар олдидаги масъулияти


Қонун ҳужжатларида ҳокимларнинг ўз номзодлари тасдиқланишидан аввал маҳаллий кенгашларга ҳудудни ривожлантириш дастурларини тақдим этиш вазифалари белгиланган. Лекин ҳоким ушбу вазифаларни бир ўзи эмас, балки бутун жамоаси билан



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Маҳаллий кенгашларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш тизимини такомиллаштириш, бунда **ҳисобот (ахборот)ни эшитишнинг даврийлигини қайта кўриб чиқиш, айримларини заруратга кўра эшитиш тартибига ўтказиш** белгиланди. Чунки бугун 370 дан ортиқ қонун ҳужжатида 50 га яқин давлат органининг маҳаллий кенгашларга 110 та ҳисобот ва ахборот тақдим этиши белгиланган. Бу эса ҳисоботларни мақбуллаштириш эҳтиёжини пайдо қилади.



Муаммоларга тезкор муносабат билдириш

бажаради. Шу мақсадда энди вилоят, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлигига номзодларни тегишли маҳаллий кенгашлар доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиш, кенгаш сессияларида номзодларнинг ўз йўналиши бўйича ҳудудни ривожлантириш дастурларини тақдим этиш тартиби жорий этилади.

Албатта, бундай тартибнинг амалиётга киритилиши ҳоким ўринбосарларининг аҳоли, уларнинг вакиллари сифатида депутатлар олдида масъулиятини оширишга, фақат номзоди эмас, балки ўз йўналиши бўйича ҳудуддаги долзарб масалаларни кенгашнинг тегишли йўналишдаги доимий комиссияси билан муҳокама қилиш ва ўзининг дастурини тақдим этишига, бу дастурнинг бажарилиши устидан халқ назорати таъминланишига олиб келади.

Маҳаллий кенгашларга оид қонунчиликка кўра, ушбу органларнинг сессиялари ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Лекин ҳозирги тезкор, шиддатли замонда ҳудудларда содир бўлаётган у ёки бу масала, муаммолар бўйича аҳолининг тезкор маълумот олиши эҳтиёжини тўғдирмоқда. Шундай вазиятларда то бир ҳафта олдин сессия чақиргуна вазият тубдан ўзгариб кетиши мумкин. Ҳозир вилоят, туман, шаҳарлар даражасида юзлаб органлар маҳаллий кенгашларга ҳисобот (ахборот) бериши белгиланган (масалан, йиллик, олти ойлик, чораклик ҳисоботларни беришнинг аниқ тақвим режаси мавжуд), лекин уларнинг ҳисобот бериш вақти аниқ белгиланган бўлса-да, шошилинч ҳолларда зудлик билан эшитиш имконини бермайди.

Шу мақсадда энди худди парламентдаги “Ҳукумат соати” каби маҳаллий кенгаш депутатларининг шошилинч вазиятларда тезкор жавоб беришни талаб қиладиган сўровларига сессия чақирмай, муайян миқдордаги депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотини эшитиш бўйича “Кенгаш соати” институти жорий этилади.

Бундай тартибнинг жорий қилиниши аҳолини қизиқтирадиган айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан маҳаллий масъулларнинг жавобини тезкор олиш ва аҳолига етказиш имконини беради. Бунинг учун сессия ўтказишни ҳафталаб кутмишга зарурат қолмайди.

Фуқароларнинг маҳаллий кенгашларга электрон жамоавий мурожаат қилиши бўйича янгича тизим яратилади

Маҳаллий кенгашларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш тизимини такомиллаштириш, бунда ҳисобот (ахборот)ни эшитишнинг даврийлигини қайта кўриб чиқиш, айримларини заруратга кўра эшитиш тартибига ўтказиш белгиланди. Чунки бугун 370 дан ортиқ қонун ҳужжатида 50 га яқин давлат органининг маҳаллий кенгашларга 110 та ҳисобот ва ахборот тақдим этиши белгиланган. Бу эса ҳисоботларни мақбуллаштириш эҳтиёжини пайдо қилади.

Кенгашлар фаолиятида шаффофликни ошириш мақсадида мансабдор шахсларнинг ҳисоботи кенгаш сессияси муҳокамасидан сўнг “E-Kengash” платформасидаги тегишли маҳаллий кенгашлар саҳифаларида эълон қилиб борилади.

Маҳаллий кенгаш қарорларини қабул қилиш жараёни очиклигини таъминлаш мақсадида **фуқароларнинг сессия ишини бевосита кузатиш тизимини** йўлга қўйилди. Маҳаллий кенгаш сессияларида фуқароларнинг сессия ишига аралаштиш ҳуқуқсиз кузатувчи сифатида иштирок этиш тартиби жорий этилади.

Фуқаролар томонидан маҳаллий кенгашларга электрон жамоавий мурожаат қилиш бўйича янгича тизим яратилади. Маҳаллий кенгашлар ҳузурида жамоатчилик вакиллари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда илмий доира вакиллари билан иборат маслаҳат гуруҳлари тузилади ва кенгаш қарорларини қабул қилиш жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари халқроқ ҳокимиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланади.

Норма ижодкорлик ваколати кенгаймоқда

Фармон билан **маҳаллий аҳамиятта молик қатор ваколатларни маҳаллий кенгашларга ўтказиш** белгиланди. Хусусан, ҳозир ҳокимлар ваколатида бўлган давлат кўчаси мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, дафн этиш жойларини сақлаш қондаларини тасдиқлаш, дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини белгилаш кенгашларга ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, ижтимоий муҳофазатга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлasha олмайдиган шахсларни ишга қайташтириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш, йўлларнинг айрим қисмларида ҳаракатланиш тезлигини ошириш ёки камайтиришга (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) рухсат бериш ваколати ҳам кенгашларга ўтади.

Шу ўринда савол туғилиди: маҳаллий кенгашларга бунча эътибор қаратишдан мақсад нима?

Маҳаллий кенгашлар аҳолига бошқарув жараёнида ўз ҳудудидаги қарорларни қабул қилишда иштирок этиш имконини бериб, жамият манфаатларини йоддайди ва маҳаллий муаммоларини ҳал қилиш орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликка ҳисса қўшади. Бу эса демократик жараёнларни кучайтиради, кенгашлар давлат сиёсатини маҳаллий эҳтиёжларга мослаштириб, ҳукумат ва аҳоли ўртасида кўприк вазифасини бажаради.

Маҳаллий бошқарувнинг энг яхши шакли, бу — халқ вакиллари иштирок этадиган, аҳолини хизмат қиладиган бошқарувдир. Аҳолини бирлаштириб турувчи сифатида маҳаллий кенгаш қанча кучли бўлса, давлат ҳам шунча кучли бўлади. Зеро, халқимизда “Ўттиз киши билан кенгаш, бир киши билан иш кўр” деган мақол бежиз айтилмаган.

Муносабат

Мамлакатимизда кейинги йилларда маҳаллий бошқарув органларининг ваколатлари босқичма-босқич кенгайиб бормоқда. Ушбу жараён маҳаллий кенгашларни сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг тўлақонли ва таъсирчан субъектига айлантирмоқда. Бундай шартларда уларнинг халқроқ ва минтақавий ҳамкорликдаги фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, фаолиятини халқроқ стандартлар асосида ташкил этишни рағбатлантириш давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг муҳим шартига айланди.

Маҳаллий кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг давлат бошқарувидаги ўрни янада мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида маҳаллий кенгашлар фаолиятида халқроқ ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида урғу берилгани бежиз эмас, албатта.

Ушбу ёндашув, ўз навбатида, маҳаллий даражада самарали бошқарувни таъминлаш, жойлардаги муаммолар масалаларга тезкор ва оқилона ечим топиш ҳамда ислохотларнинг амалиётдаги таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.



Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази
ижрочи директори

Ҳозирги кунда маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари тобора кенгайиб, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Жумладан, маҳаллий кенгашлар давлат дастурлари ижросини таъминлаш, жойларда қонунлар бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, масъул идоралар фаолияти юзасидан ҳисоботларини эшитиш каби зарур функцияларни бажармоқда.

Маҳаллий кенгашлар бундай кўламли вазифаларни самарали амалга ошириши учун хорижий ва халқроқ илғор тажрибаларни чуқур ўрганиши ҳамда миллий манфаатларга

мос равишда амалиётга татбиқ этиши зарур. Бу эса нафақат маҳаллий бошқарувнинг сифати ва самарадорлигини оширади, балки аҳолининг давлат идораларига ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу нуқтага назардан, халқроқ майдонда маҳаллий даражадаги ҳамкорлик йўлга қўйилиши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган амалий механизмларни жойининг эҳтиёж ва хусусиятларига мос равишда шакллантириш имконини беради. Бу эса амалга оширилаётган ташаббусларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Фармонда трансчегаравий ҳамкорлик масаласига алоҳида урғу берилган. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, чегараолди инфратузилмани ривожлантириш, санитария талаблари, савдо алоқалари ва сармоя лойиҳаларини мувофиқлаштириш каби масалалар давлатларнинг маҳаллий даражадаги идоралари ўртасида яқин ҳамкорлиқни талаб этади. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун қўшни давлатларнинг маҳаллий кенгашлари билан мунтазам мулоқот ва институционал ҳамкорлиқни йўлга қўйиш муҳим саналади. Шунингдек, қўшни мамлакатлар маҳаллий кенгашлари билан трансчегаравий лойиҳаларда иштирок этиш, халқроқ грантларни жалб этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш имкониятини бирлаштиради ҳам.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда маҳаллий кенгашлар фаолиятида халқроқ алоқаларни ривожлантиришга қаратилган қонуний асос ҳали етарли даражада шаклланмаган.

Осиёда эса ASEANнинг шаҳарлараро ҳамкорлик платформалари орқали трансчегаравий савдо ва инфратузилма лойиҳалари ривожлантирилмоқда. БМТнинг Habitat дастури шаҳарлар ўртасидаги барқарор ривожланишга қаратилган лойиҳаларни бирлаштиради. Ушбу механизмлар орқали сиёсий ва маъмурий жиҳатдан тажриба алмашиш, умумий муаммоларга биргаликда ечим топиш бўйича савий-ҳаракатлар самарали амалга оширилмоқда.

Ҳозирча бундай ҳамкорлик, асосан, марказий органлар орқали амалга оширилмоқда. Шунинг учун маҳаллий кенгашларнинг бевосита халқроқ ҳамкорлик алоқаларига киришиши ҳуқуқий механизмлар билан мустаҳкамланиши зарур. Ўрни маҳаллий вакиллик органларининг халқроқ алоқалари учун ҳуқуқий асос яратилиши лозим. Шу мақсадда фармонда мазкур масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга доир топириқлар ҳам қайд этилган. Бу нафақат ваколатларни аниқ белгилаб бериш, балки халқроқ ҳамкорлик имкониятларини қонунчилик орқали мустаҳкамлаш учун замин бўлади.

Фармонга кўра, маҳаллий кенгашларнинг халқроқ даражадаги вакиллик органлари уюшмаларига аъзо бўлиши масаласини ўрганиш долзарбдир. Бу, аввало, ўзаро тажриба алмашишга имкон яратади, шунингдек, аниқ масалалар бўйича қўшма ечимларни ишлаб чиқиш, ҳамкорлик лойиҳаларини амалга

ошириш ва тегишли идоралар билан алоқалар ўрнатишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Замонавий тилда айтганда, бу — кенгашлараро networking механизмлари орқали ўзаро ҳамкорлиқни фаоллаштириш демак. Кенгашларимиз учун халқроқ ташкилотлар билан бевосита мулоқот каналларининг етарли эмаслигини инобатга олсак, бундай имконият, шубҳасиз, кенгашлараро ҳамкорлик истиқболларини кенгайтиришга йўл очади.

Хусусан, жаҳон тажрибасида мазкур йўналишда қатор самарали моделлар шакллланган. Жумладан, Европа Иттифоқидаги шаҳар ва ҳудудлар Европанинг минтақавий кенгаши (CEMR) орқали мунтазам ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Аъзо ҳудудлар транспорт, экология, туризм, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳаларда умумий сиёсатни муҳокама қилиш ва тажриба алмашиш имконига эга. OECD ҳузуридаги Маҳаллий бошқарув

форуми турли давлатлар маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида рақобатбардошлик, инклюзив ривожланиш ҳамда рақамли хизматлар кўрсатиш каби масалаларда тажриба алмашувини ташкил этади.

Осиёда эса ASEANнинг шаҳарлараро ҳамкорлик платформалари орқали трансчегаравий савдо ва инфратузилма лойиҳалари ривожлантирилмоқда. БМТнинг Habitat дастури шаҳарлар ўртасидаги барқарор ривожланишга қаратилган лойиҳаларни бирлаштиради. Ушбу механизмлар орқали сиёсий ва маъмурий жиҳатдан тажриба алмашиш, умумий муаммоларга биргаликда ечим топиш бўйича савий-ҳаракатлар самарали амалга оширилмоқда.

Бундай имкониятларнинг яратилиши, яъни фармон орқали маҳаллий кенгашлар фаолиятида халқроқ ҳамкорлиқни йўлга қўйиш бўйича ҳуқуқий ва институционал асослар шакллантирилиши айна пайтда кун тартибига халқроқ ҳамкорлик, дипломатик мулоқот ва жамоатчилик билан алоқалар соҳаларида махсус ўқув дастурларини жорий этиш масаласини кўяди.

Зеро, мазкур соҳаларда зарур кўникма ва салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш маҳаллий кенгашларнинг ташки алоқаларини мустаҳкамлаш, халқроқ шерикликда фаол иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай тайёрларлик маҳаллий даражада халқроқ ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилиши баробарида фармонда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлашга имконият яратади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий кенгашларимизнинг халқроқ майдондаги фаол иштироки, шунингдек, уларни глобал ҳамкорлик тармоқларига жалб этиш орқали инклюзив, жавабгар ва ҳисобдор маҳаллий бошқарув тизимини шакллантириш мумкин. Бу эса янги Ўзбекистонни барпо этишдаги муҳим устуворликлардан бири бўлиб, давлат бошқарувида очиклик, самарадорлик ва жамоатчилик ишончини оширишга қаратилган ислохотларнинг узвий давоми сифатида намоён бўлади.

СИРТҚИ ТАЪЛИМ ТУГАТИЛДИ

ТАЛАБАЛАР ЎҚИШНИ ҚАНДАЙ ДАВОМ ЭТТИРАДИ?

Олий таълим муассасаларида сиртки таълим тури тугатилгач, аҳоли орасида таълимнинг мазкур тури нима сабабдан тугатилгани, ҳозир сиртки таълимда ўқиётган талабаларнинг ўқишни қай тартибда давом эттириши, сиртки таълимни тамомлаган мутахассисларнинг фаолият бошлашига оид қатор саволлар пайдо бўлмоқда. Мана шу саволларга жавоб олиш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги департаменти бошлиғи Абдували ХОЛИҚОВга мурожаат қилдик.



Бу таълим шаклининг қайта ташкил этилиши натижасида ёшлар ва катта ёшли аҳоли ўртасида олий таълимга қамров сезиларли даражада ошди. Қатор ҳудудларда ишлаб юрган фуқароларга таълим олиш имконияти яратилгани ижобий ижтимоий ва иқтисодий натижалар берди.

Бироқ вақт ўтиши билан ушбу шаклда таълим олишнинг самардорлиги, академик интизом, сифат назорати ва билимлар чуқурлиги билан боғлиқ муаммолар намоён бўлди. Аниқроғи, сиртки таълим форматида тахсил олаётганлар учун амалий машғулотларни ташкил этиш, мунтазам билимни баҳолаш ҳамда юқори таълим стандартларига риоя қилишда муайян қийинчиликлар юзга кела бошлади.

Айнан шу сабабларга кўра, 2025 йилдан бошлаб, юртимизда олий таълим сифатини янада ошириш, таълим жараёнида “устоз-шогирд” аъналарини мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларга асосланган ўқитиш тизимини кучайтириш мақсадида сиртки таълим шакли босқичма-босқич тугатилди.

Сиртки таълимга қабул 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб тўхтатилган бўлса-да, ҳозир мазкур шаклда тахсил олаётган талабалар учун барча ўқув жараёни белгиланган тартибда давом эттирилади. Улар танланган йўналиши бўйича амалдаги давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларига мувофиқ ўқишни якунига етказиш имкониятига эга.

Олий таълим муассасалари ушбу талабалар учун ўқув машғулотларини сифатли ташкил этиш, уларни зарур ахборот ресурслари ва амалий машғулотлар билан таъминлаш бўйича зиммасидаги масъулиятни тўлиқ бажариши лозим. Бу эса ҳар бир талаба

учун таълим сифатини таъминлаш ҳамда мутахассис сифатида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиб, ОТМни битиришни кафолатлайди.

Сиртки таълимни тамомлаган мутахассисни расмий ишга қабул қилишда муаммо пайдо бўлмайди, деган ҳақли савол туғилиши ҳам мумкин. Аввало, сиртки таълимда тахсил олиб, белгиланган тартибда диплом олган шахслар қонунчиликка мувофиқ тўлиқ олий маълумотли мутахассис ҳисобланади. Уларга бериладиган диплом кундузги, кечки ёки масофавий таълим шаклидаги дипломлар билан тенг юридик кучга эга. Демак, уларни давлат ёки хусусий секторда расмий ишга қабул қилишда ҳеч қандай ҳуқуқий тўсиқ мавжуд эмас.

Меҳнат кодекси ва “Таълим тўғрисида”ги қонунга кўра, ишга қабул қилишда таълим шакли эмас, балки олий маълумот ҳақидаги расмий ҳужжат — диплом асос бўлади. Шунингдек, давлат ташкилотлари ва йирик корхоналарда кадрлар танлаб олинаётганда ҳам сиртки таълимда ўқиган мутахассислар умумий мезонлар асосида баҳоланади.

Бошқа жиҳатдан, сиртки таълимни тамомлаган мутахассисларнинг меҳнат бозорига рақобатбардош бўлиши, асосан, уларнинг амалий тажрибаси, соҳа бўйича билим даражаси



ва доимий ўз устида ишлашига боғлиқ. Шунинг учун уларга билим ва кўникмасини мунтазам ошириб бориш тавсия этилади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Бундан ташқари, сиртки таълимда ўқиб, ишлаб юрган фуқароларнинг таълим олиш имконияти ҳам чекланмайди. Улар ўқишни тўлиқ тугатилди. Қолаверса, келгусида кундузги таълимга муқобил шакллар, жумладан, масофавий, кечки ва мақбуллаштирилган кундузги (part-time) таълим шакллари босқичма-босқич ривожлантирилади. Уларга қабул кўрсаткичлари кенгайтириб борилади. Бу эса муайян иш ўрнига эга абитуриентлар учун ўқиш ва меҳнат фаолиятини бир вақтда олиб бориш имконини беради. Масофавий таълим замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилади. Талабалар бевосита таълим муассасасига келмай билим олади.

Шу билан бирга, кечки таълим шаклида ўқиш иш вақтидан кейинги соатларда ишловчи шахсларга қулай график асосида ташкил этилади. Ҳукумат томонидан бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизмлар тақомиллаштирилиб, ўқув дастурлари талабга мослаштирилиши ва таълим сифати таъминланиши бўйича аниқ чоралар кўриломоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

Янги тизим амалда

РАҚАМЛИ ТИББИЁТНИНГ ИНСОННИЙ ҚИЁФАСИ

Гулсара опа охириги марта икки йил олдин тиббий кўрикка борганди. Ўшанда ҳам ёзининг жазирамасида навбати келишини узоқ кутганди. Аввалига тонг маҳали келиб, шифохона йўлагини тўлдирган ҳамшаҳарларидан ким охириги навбатда эканини сўради. Сўнг уларнинг кўрсатмаси билан стол устидаги бир варақ қозоғга исм-фамилиясини ёзиб, 15 рақамни қўйди. Олдинда 14 киши бор эди. Демак, шифокор қабулига 14 кишидан кейин киради. Агар ҳар бири учун камида 10 дақиқа вақт кетса, тахминан икки ярим соат кутиш керак.



Аммо вақт ўтгани сари навбат кутаётганлар кўпайиб борди. Аксиа олиб, қозғоғдаги навбат камаймасди. Шифокор қабулига кирган киши зум ўтмай ташқаридан бирор кишини чақириб олар, қайсидир ҳамшира ўз танишини ҳеч бир сўроқ ва узрсиз ичкарига етакларди. Буларни жимгина кузатаётган Гулсара опа навбат ҳам биронинг ҳаққи экани, инсоф, инсонийлик ҳақида ўй сурарди. Буларни қандай тартибга келтириш мумкин деган саволга эса аниқ жавоб топа олмади. Шу тариқа у тонгдан тушгача навбат кутди...

Аслида, бундай ҳолат ҳеч биримизга бегона эмас. Шукрки, бугун бари тубдан ўзгарди. Инсон қадри учун бошланган ислохотлар тиббиётда ҳам бўй кўрсатди. Хусусан, соҳани рақамлаштириш орқали кўплаб муаммоларга барҳам берилмоқда. Биргина мисол, Қарши шаҳридаги кўп тармоқли марказий поликлиника жорий йил 1 июндан бошлаб тўлиқ тартибда рақамлаштирилди. Бу аҳоли учун жуда катта қулайлик бўлди.

— Тиббий кўрикка анча бўлганди бормаганимга, — дейди қаршилик Гулсара Ҳомидова. — Яқинда шу

мақсадда Қарши шаҳри кўп тармоқли марказий поликлиникасига кирдим. Тўғриси, бормоқчи эмасдим. Соғлиғимдаги бир оз ўзгариш сабаб безовта бўлдим. Шифокор маслаҳатини олиш зарур эди. Аввалгидай кун давомида навбатда турман деган хавотир йўқ эмасди. Бундай бўлмади. Эшик олдида ҳамширалар кўтиб олиб, компьютерга исм-фамилиямни ёзиб, электрон навбатга қўйди. Бир ярим соатдан сўнг аниқ вақтда киришини айтиб, унча бемалол бошқа ишларимни бажариб келишим мумкинлигини билдирди. Айтилганидек, белгиланган вақтдан беш дақиқа олдин келиб, кўтиб турдим. Бир оздан сўнг монитор орқали мени чақирди. Очиғи, кўзим билан кўрмагунча бундай ўзгаришларга ишонмагандим. Хурсанд бўлдим. Илгари шифо истаб келиб, оворагарчиликдан хаста бўлиб чиқиб кетардик. Ҳозирги шароит барчамиз учун яхши имконият.

Бугун Қарши шаҳри ахлига шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимида 7 та оилавий поликлиника, кўп тармоқли поликлиника ҳамда сил касалликлари диспансери, 205 ўрилли тўғуруқ комплекси ва 125 ўрилли марказий шифохона хизмат қилляпти. Булар

орасида биринчилардан бўлиб кўп тармоқли марказий поликлиника замонавий усулда хизмат кўрсатишни бошлаб берди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 декабрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришни жаддаллаштириш ҳамда илгор рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда, — дейди Қарши шаҳри тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Сардор Пирназаров. — Беморлар соғлиғи ва уларни барча тиббиёт муассасаларида даволаш учун умумий маълумотларни сақлашга мўлжалланган “Электрон поликлиника” ҳамда белгиланган дастур орқали бирлашмаимизга қарашли шифо масканларида “электрон тиббий карта” шакллантирилди. Бу тизим орқали ишлашни жорий йилдан синов тариқасида бошлаган бўлсак, ҳозир тўлиқ йўлга қўйдик. Йил бошидан ҳозирга қадар “Электрон поликлиника” тизими орқали 600 мингдан ортиқ киши шифокорлар қабулига юборилган. Бу маълумотлар шакллантириб борилмоқда. Мисол учун, аввалгидек қозғ кўтариб юрмай, ахборот тизими орқали тўғуруқ мажмуасига ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар ҳақидаги маълумотлар электрон тарзда йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 19 мартдаги буйруғига асосан, жорий йил 1 апрелдан тизимдаги турли журналлар, ҳисоботлар каби бир қатор қозғда бажариладиган ишларни тўлиқ электрон тартибда амалга ошириш бошланди.

Давлат дастурида рақамли технологиялар жорий этилган тиббиёт муассасалари улушини ошириш белгиланган. Ҳозир бу борадаги амалий ишлар натижаси нафақат аҳоли, балки соҳа вакиллари ҳам қулайлик яратмоқда. Тиббиёт масканлари учун замонавий ахборот ускуналари харид қилиниб, ҳамширалар IT йўналишида ўқитилмоқда.

— Янги тизим жорий этилиши ишимизни анча енгиллаштирди, — дейди мазкур поликлиника оилавий шифокори Зулхумор Боллиева. — Биринчи навбатда, вақт анча тежалмоқда. Бирор бемор ҳақида маълумот олмоқчи бўлсак, компьютер орқали тезда билиб олишимиз мумкин. Анча йиллик иш тажрибасига эгаман. Аввал қозғ тўлдириб учун кўп вақт сарфлардик. Бугун ёзув-чизувлардан тортиб, беморлар билан мулоқот қилиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга кўпроқ вақт ажратянимиз.

— Бу янгиликлардан умуман хабарим йўқ эди, — дейди шифокор қабулига келган Бекзод Темиров. — Қизим еттинчи синфда ўқийди. Эрталаб поликлиникага боришимизга эшитган, телефон орқали навбат олиб беришини айтиди. У илова орқали доктор қабулига аниқ вақтни белгиллаб, навбатга ёздирди. Белгиланган вақтда келдим. Икки дақиқа ўтмай, залдаги монитorda исм-фамилиям чикди. Ҳеч бир муаммосиз кўрикка кирдим. Агар бу имконият бўлмаганида эрталабдан келиб, ҳозирга қадар кутган бўлардим.

Тиббиётда “Инсон қадри учун” тамойили бугун амалда. Соҳадаги рақамлаштириш ортидан одамларнинг вақти ҳам, нақди ҳам тежалмоқда. Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Алишер Бобоевнинг айтишича, воҳадаги тиббиёт муассасалари режа асосида янги тизимда ишлашга ўтмоқда. Бу тизим нафақат шаҳарлардаги шифохоналарда, балки чекка ҳудудлардаги оилавий поликлиникаларда ҳам жорий этилиши белгиланган. Демак, қисқа фурсатларда барча тиббиёт муассасаларида мазкур тизим ишга тушади.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



БИЗ ҲАЁТНИ ТАНЛАЙМИЗ!

Ҳозир дунё бўйлаб қарийб 300 миллион киши гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қияпти. Қурбонлар сони эса бир йилда 600 минг кишидан ошмоқда. Шундан ҳам гиёҳвандлик ва наркотик билан боғлиқ жиноятлар бутун инсоният учун долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаётганини билиш мумкин. Зотан, бу иллат шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига доим жиддий хавф солиб келган. Шу боис, халқаро ҳамжамият гиёҳвандликка қарши мунтазам курашиб келади. БМТ Бош Ассамблеяси қарорига асосан, 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш куни этиб белгиланган.

Мазкур сана ҳар йили барча мамлакатларда кенг нишонланади. Шу кунги тадбирларда гиёҳвандлик ва наркотикка оид жиноятларнинг аянчи оқибатларини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳоли, айниқса, ёшларда наркотик воситаларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, бу иллатга қарши курашишда ҳамжамиятликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Сана муносабати билан мамлакатимизда ҳам ҳар йили кенг миқёсда профилактика ва маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда турли ақциялар ўтказилади. Жорий йилда Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази ташаббуси билан мутасадди давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳудудий комиссиялар билан ҳамкорликда “Биз ҳаётни танлаймиз!” шiori остида қатор ишлар бажарилмоқда. Поляйтимиздаги “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида ана шундай тадбирлардан бири ташкил этилди.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат ва ҳудудий комиссиялар аъзолари, мутасадди давлат органлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда халқаро ҳамкор ташкилотлар, дипломатик корпус ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокida ўтган мулоқотда ушбу тадбир нафақат гиёҳвандлик ва наркотикка оид жиноятларга қарши курашишдаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодаси,

балки халқаро ва маҳаллий ташкилотлар ҳамкорлигидаги ўзаро ишонч ва бирдамлик муҳитини намоён этувчи муҳим ташаббус экани таъкидланди.

“

Тахлилларга кўра, сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда наркотик билан боғлиқ жиноятлар сони қарийб 2 баробар, ноқонуний муомаладан олинган наркотиклар мусодараси 8,5 баробар ошган бўлса, синтетик гиёҳвандлик воситалари мусодараси 80 баробар кўпайган.

Бу каби кўрсаткичлар гиёҳвандлик муаммоси нафақат кенгайиб бораётгани, балки турли ижтимоий қатламлар, жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар орасига ҳам кириб бораётганини кўрсатмоқда. Мутахассислар фикрича, бу тенденцияга қарши курашишда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки бутун жамият — оила, таълим муассасалари, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари бирлашган ҳолда ҳаракат қилиши зарур.

Тадбирда ўтган бир йил мобайнида Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мусодара қилинган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи дори воситалари ва прекурсорларни йўқ қилиш маросими онлайн намойиш этилди. Давлат хавфсизлик хизматининг маълум қилишича, ёқиб маросимида 2 тонна 135 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинган.

Тадбир доирасида миллий марказ томонидан Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда “Биз ҳаётни танлаймиз!” шiori остида ўтказилган видеороликлар танлови ҳамда Бадний академия билан ҳамкорликда “Санъат гиёҳвандликка қарши!” шiori остида ўтказилган расмлар танлови совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Танловда иштирок этган ёш рассомларнинг асарлари кўргазмаси тақдирда алоҳида руҳ бағишланди.

Шундан сўнг режиссёр Элжон Аббосов томонидан тасвирга олинган “Мутлақ ёвузлик” номли ҳужжатли фильмининг қисқа роллиги (тизери) намойиш этилди. Фильм премьераси яқин кунларда бўлиб ўтади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МАСЪУЛИЯТ АЛИФБОСИ

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА НАМУНАЛИ ОТА-ОНА БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Мухтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими



Бугунги кунда жамиятимиздаги энг долзарб масалалардан бири — бола тарбияси. Ҳар бир бола бир дунё деб бежиз айтилмаган. Зеро, уларнинг келажаги, жамиятнинг эртанги куни айнан бизнинг қўлимизда. Афсуски, баъзида бу масъулиятнинг нақадар улканлигини унутиб қўямиз ёхуд унга енгил-елпи ёндашамиз.

Френсис Элиза Бёрнеттнинг “Сирли бог” асаридаги Колин образи бунга ёрқин мисол бўла олади. Болаликдан “касал”, “букри бўласан” деган гаплар билан руҳияти заҳарланган Колин ўзини ёлғизликка маҳкум



қаҳрамон мисолида болалар тарбиясидаги муҳим омиллар — меҳр-муҳаббат, уларга ишонч, орзу-хавасларига эътибор ва шахсиятига ҳурмат нақадар муҳимлиги ойдин-лашади.

Эҳтиёт бўлинг: ижтимоий тармоқдаги “ёрдам”нинг иккинчи томони

Бугун ижтимоий тармоқларда болаларнинг оғир аҳволини кўрсатиб, ёрдам сўраш ҳолатлари кўпаймоқда. Видеоларларда оналар ва бемор болаларнинг ғамгин, чорасиз ҳолати тасвирланиб, ҳатто болалар йиғлаётгани, уларга уқол қилинаётгани кўрсатилади. Бундай видеоларни тайёрлашда блогерлар иштирок этгани, вақимали овоз оҳанги билан вазиятни янада оғирлаштириб кўрсатишга уриниши, афсуски, оддий ҳолга айланиб бормоқда.

Лекин бир ўйлаб кўрайлик, бундай видеолар бола руҳиятига қандай таъсир қилади? Касалликдан азоб чекаётган боланинг яқинида туриб, унга ачиниш билан қараш, йиғи-сиғи қилиш уларни кўрқитмайдими? Ҳолатини енгиллаштириш ўрнига янада оғирлаштирмайдими? Ёшини англай бошлаган ўсмир беморларнинг бундай видеоларга туширилиши уларнинг тенгдошлари орасида хижолатга қолишига, ўқсинишига, оқибатда аҳволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Қадриятларимизда беморнинг соғайиб кетишига ёрдам бериш, аввало, уни йўқлаш, шифо топишига ишонтирувчи сўзлар билан кўнгилни кўтаришдан бошланади. Бемор болаларга доим соғлом одамдек муносабатда бўлиш, хижолатга қўямаслик, ўқсимаслик лозим. Ҳар қандай беморга тинчлик, хотир-жамлик, мўътадил муҳит керак. Атрофдаги қаровчиларнинг кайфияти, сўзлари, юз ифодалари ҳақиқий ҳамширалик мақомида бўлса, бетоб одам улардан куч-қувват олади, соғайишига ишончи ортади.



Бола ҳуқуқлари поймол бўлмасин

Яна бир муҳим жиҳат: қонунчилигимизда ҳар бир инсонни (муайян вазиятлар истисно) ўз ихтиёри ва рухсатисиз видеотасвирга олиб, кўпчилик эътиборига ҳавола этиш тақиқланади. Кичиклиги, ўзини ҳимоя қила олмаслигидан фойдаланиб, болаларнинг суратлари,

видеотасвирлари минг-минглаб одамларга ҳавола этилиши бола ҳуқуқларининг поймол қилиниши эмасми?

Шу ўринда йўлларда, метрога кириш жойларида болалари билан тиланиб ўтирганларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ёзининг исмида, қишнинг совуғида, ҳатто тунлари ҳам болаларини қўйиб, одамлар раҳмини келтиришнинг касб қилиб олганлар оз эмас. Баъзилар

“Боаларни камситмаслик — конвенциянинг муҳим тамойилларидан бири. Қайси бола совуқда эмас, иссиқда ўтиришни, кечаси онаси қўлида қўйналиб юрмай, ўз ўрнида ухлашни хоҳламайди?! Бола дунёсини бола нигоҳи, имкониятлари, жисмоний ўзига хосликларидан келиб чиқиб кузатмоқ, баҳоламоқ керак. Шундагина унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган бўлади.

Мулоҳаза

ЁТ ҲОЯЛАР “ДОЯ”СИ

ЖАМИЯТДА ҲУШЁРЛИК БУГУН ҲАР ҚАЧОНГИДАН МУҲИМ

Жамият барқарорлигига таҳдиднинг энг хавфлиси ахборот хуружидир. Бу хавф ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто сиёсий маконларни қамраб олишга даъвогар. Мамлакат обрўси, нуфузига путур етказиш, одамлар тафаккурини издан чиқаришга қаратилган мазкур ғоявий уруш фуқаролар, айниқса, ёш авлодни бузгунчи қарашлар домига тортишни мақсад қилган. Бундай шароитда тарбия борасида миллий қадрият, урф-одат, анъаналар руҳи бўй кўрсатиши, ахборот майдонида миллий контент яратиш вазифаси муҳим ва илғор позицияни эгаллаши лозим.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 12 январь кунини Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бу масалага алоҳида ургу бериб, журналистларни мамлакат ахборот маконида миллий контент яратишга чақирган, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бериш, халқимизни турли ахборот хуружларидан сақлаш муҳимлигини таъкидлаган эди.

Бугун оламшумул ўзгаришлар даврида яшашимиз. Мутахассислар фикрича, миллий контент фойдаланувчи аудитория учун ишлаб чиқиши зарурлигини тушуниш ва англаш лозим. Медиамаҳсулотдан фойдаланувчилар эҳтиёжини билиш ва эътиборга олиш жуда муҳим. Фойдаланувчи миллий ресурслардан қаноатланмаса, миллий контентдан ўзига қизиқарли ва керакли ахборотни топа олмаса, ўзга ресурслардан излайди.

Миллий қадрият, маънавият, урф-одат, анъана, тарих ўз-ўзиндан ва бир кунда пайдо бўлиб қолмаган. Ушбу бебаҳо бойликка эришти, уни асраб-авайлаб, авлоддан авлодга етказиш учун жуда катта ишлар қилинган, ота-боболаримиз бу йўлда жонини ҳам

аямаган. Шундай экан, ушбу меросни кейинги авлодга сақлашимиз, янада бойитиб, сайқаллаб, бекам-кўст етказишимиз зарур.

Ойини этак билан ёпиб бўлмайди. Бугун ушбу таҳдидлар қаторига қўшилган радикаллашув балосидан ёшларни муҳофаза қилиш энг долзарб масалалар қаторига чиқди. Шахс ёки гуруҳнинг кескин, зўравон ғоялар ва ҳаракатларга мойил бўлиб бориш жараёни радикаллашувдир. Ушбу жараёнда одамлар ёт ғоялар таъсирида жамиятдаги мавжуд вазиятга қарши чиқишга, баъзан зўравонлик воситалари орқали ўз мақсадларига эришишга уринади. Радикаллашувнинг асосий белгилари экстремизм, зўравонлик, жамият ёки давлат тузумига қарши чиқиш, терроризмга мойиллик кабиларда намоён бўлади.

Бундай шароитда геосиёсий барқарорлик сиёсати — давлатлар ёки халқаро ташкилотлар томонидан радикаллашув ва экстремизм хавфларига қарши комплекс ёндашув орқали тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш сиёсати юритилади. Таълим ва ахборот сиёсати, радикал ғояларга қарши илмий, маърифий тарғибот, ислом динининг асл моҳиятини

тушунтириш, интернет ва ижтимоий тармоқларда зиддиятлик контентларга қарши курашиш, бу мақсад йўлида минтақавий ҳамкорлик, чегара хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчи шахсларни жазолаш билан бирга уларни қайта ижтимоийлаштириш мазкур сиёсатнинг бош йўналишларидир.

Афсуски, радикаллашув XXI аср муаммосига айланиб улгурди. Бу жараён кўплаб давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солмоқда. Хусусан, Марказий Осиёдаги геосиёсий мувозанатни сақлашда радикал ғоялар ва террорчилик гуруҳларининг фаоллиги жиддий хавф туғдирмоқда. Ўзбекистон ушбу муаммонинг олдини олиш ва бартараф этишда изчил ва тизимли сиёсат юритмоқда.



Юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, ички ва ташқи сиёсатимиз барқарорлиги йўлида бошланган саъй-ҳаракатлар сўнгги йилларда Марказий Осиёдаги геосиёсий ҳолатини ҳам ўзгартириб юборди. Айниқса, қўшиллар билан иқтисодий, тижорий, илмий-маърифий соҳалардаги тенг ва очик ҳамкорлик кўнгилдаги армонларни аритди.

Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида диний багрикентлик, динлар ва конфессиялараро тотувлик ҳамда ҳамжихатликни қўлаб-қувватлайди, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга асло йўл қўймайди. Шу боис, радикаллашувга қарши курашишда кенг қамровли геосиёсий барқарорлик сиёсати юритилмоқда.

Биргина “Меҳр” операциялари доирасида Сурия ва Ироқдаги можаролар зонасидан қайтарилган аёллар ва болаларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам, радикал гуруҳлар таъсирига тушган шахслар билан олиб борилаётган психологик ва ижтимоий реабилитация ишлари халқаро ҳамжамият томонидан инсонларварлигининг олий намунаси сифатида эътироф этилмоқда. Радикаллашувга қарши сиёсат маърифат, ҳуқуқий онг ва ижтимоий адолатга асослангани оқилона ечим сифатида баҳоланмоқда.

Бугун диний радикал ғоялар, экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотларнинг ахборот хуружи аҳоли, айниқса, ёшлар онги учун жиддий таҳдид солмоқда. Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Телеканаллар, радиостанциялар, интернет сайтлари, газета ва журналларда минглаб журналистлар фаолият юритмоқда. Бироқ радикализм, экстремизм ва терроризмга қарши журналистик йўналишда ишлаётган ижодкорлар камчилиги ташкил қилади. Бунинг ортда мавзунинг мураккаблиги, журналистларнинг махсус тайёргарлиги етарли эмаслиги, хусусан, радикализм масаласининг сиёсий, геосиёсий, иқтисодий, диний ва мафкуравий жиҳатларидан воқифлик даражаси пастлиги каби қатор омиллар ётади. Оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида

болаларига ухлатувчи дорилар бериб, уларни кўтариб юриши ҳақидаги хабарлар инсонни даҳшатга солади. Бу ҳолатлар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрда қўшилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларига зиддир.

Болаларни камситмаслик — конвенциянинг муҳим тамойилларидан бири. Қайси бола совуқда эмас, иссиқда ўтиришни, кечаси онаси қўлида қўйналиб юрмай, ўз ўрнида ухлашни хоҳламайди?! Бола дунёсини бола нигоҳи, имкониятлари, жисмоний ўзига хосликларидан келиб чиқиб кузатмоқ, баҳоламоқ керак. Шундагина унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган бўлади.

Бир сафар уч қизи билан тиланчилик қилаётган, ички ишлар ходими билан жан-жаллашаётган аёлга дуч келганман. Аёлнинг қизларини боқиб ушун тиланчилик қилишга мажбурлигини айтиб бақариши, ҳеч кимнинг гапига қўлоқ солмаслиги, ўзининг ва қизларининг шаънига яхши бўлмаган бу ҳолатни оддий қабул қилиши ачинарли ҳол. Бундай вазиятда қизларнинг руҳиятига боқимандалик кайфияти ўрнашиб қолмасмикан? Уларнинг ўзига ҳурмати, жамиятта ишончи емирилиб бормайдими? Республика миқёсида болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга расман масъул идоралар бундай ҳолатларга эътибор қаратса, айни муд-дао бўларди.

Келажакка даъват

Бугун жамиятимиз олдида турган бу каби муаммолар жиддий эътибор ва қатъий чора-тадбирларни талаб қилади. Дунёда турли пўртаналар халқлар, юртлар тақдирига таҳдид солиб турган бир пайтда ватанимиз тинчлиги, оёсийишталиги, дастурхонларимиз тўқилиги, барқарор ривожланиш самараларига шукрона сифатида жамиятимиздаги ўзимизга боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун ҳар доимгидан кўра кўпроқ бирлашмоғимиз, янада яқдил ва ҳамдадам бўлишимиз шарт.

Оталик ва оналик масъулиятининг алифбоси болаларни жисмонан ва маънан қўлаб-қувватлаш, қалбига ҳаётсеварлик, олам ва одамларга муҳаббат нурини синдириш, нуомид бўлишига сира йўл қўямаслик, изланган ва ҳаракат қилган инсонга ҳар қандай қийинчиликларни енгиш йўллари топилишига ишончини сингдиришдан бошланади. Олам гўзаллигига табиат инъомларидан завқланиб, доим ҳаракатда ва атрофдагилар билан мулоқотда яшашга шароит яратиш жигарбандларимизнинг изланувчан, меҳнатсевар, ўзига талабчан, жамиятда фаол инсонлар бўлиб улғайиши учун мустаҳкам пойдевор бўлади. Бу, ҳеч шубҳасиз, келажак авлоднинг соғлом ва бахтли бўлишига замин яратади.

Ўтказилаётган анжуманлар жараёнида мазкур муаммо янада яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис, журналистларни ахборот хуружи, дезинформация ва диний радикализм таҳдидларига қарши маърифий ёндашувлар асосида қайта тайёрлаш, уларни бу мураккаб жараёнларни ҳолис ва таҳлилий ёриштишга қодир мутахассисларга айлантириш бугунги кун талабидир.

Ахборот майдонидаги манипуляциялар, сохта маълумотлар ва тарғибот-ташвиқот воситасида онгни бошқаришга қаратилган уринишлар фақат медиа соҳасининг муаммоси эмас, балки миллий хавфсизликнинг ажралмас қисмидир.

— Радикализм фақат динга оидми деган саволга “ҳа” деб жавоб бериш мутлақо нотўғри эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, — дейди Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ҳузуридаги “Зиё” медиа маркази директори Абдуҳамид Мухторов. — Радикализм жуда кенг тушунча ва унинг кўплаб шакли мавжуд. Бу тушунчаларнинг ҳар бири турли соҳа, гоё ёки йўналишларга алоқадор. Радикализмнинг асосий шакллари сифатида диний радикализм, сиёсий радикализм, ижтимоий радикализм, этник радикализм, экологик радикализм, технологик радикализм ва атеистик радикализм тилга олинади.

— Радикаллашувнинг асосий қурбони ёшлар, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов. — Улар интернет орқали осонликча бошқарилишга мойил. Бунда ривожланиш йўлида дадил кириб бораётган давлатни тараққиётдан тўхтатиш учун барча имконият ишга солинади. Бу борада турли-туман найранг ва босимлар бор. Сунъий тарзда гуманитар инқироз келтириб чиқариш, савдо уруши, озиқ-овқат эмбаргоси, техника ёки хизматларга нисбатан санкциялар, ҳарбий чекловлар, ҳатто жаҳон ҳамжамиятини ишонтирадиган бирор-бир баҳона билан тўғридан тўғри босқин қўлаш шулар жумласидан.

Ўзбекистон сингари барқарорлик ва тараққиётни мақсад қилган давлатлар учун бу муаммо нафақат хавфсизлик соҳасида, балки маънавий, ижтимоий, сиёсий барқарорлик нуқтаи назаридан ҳам жиддий ёндашув талаб этади.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.
36191 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет услубида босилган. Қўғоғ бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусахҳас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 02:20 Тошхирлиди — 02:25